



## XALQ DEPUTATLAR JIZZAX VILOYATI KENGASHINING QARORI

2022 - yil 20 - may

VI-35-149-3-0-K/22

Jizzax viloyati hokimligi

### **Вилоят ҳокимлигида фойдаланилаётган “Е-ХАТ” ҳимояланган почта тизими хизмати тўловлари учун маблағ ажратиш тўғрисида**

Вилоят ҳокимлигида фойдаланилаётган “Е-хат” ҳимояланган почта тизими хизмати тўловларини қоплаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6- ва Бюджет кодексининг 126-моддасига асосан Халқ депутатлари вилоят Кенгаши

### **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Вилоят Молия бош бошқармаси (А.Рахматуллаев)га вилоят ҳокимлигида фойдаланилаётган “Е-хат” ҳимояланган почта тизими хизмати тўловларини қоплаш мақсадида, вилоят маҳаллий бюджетининг эркин қолдиқ ва даромадлар режасининг ошириб бажарилган қисми маблағлари ҳисобидан 19 250,0 (ўн тўққиз миллион икки юз эллик) минг. сўм маблағни вилоят ҳокимлигига ажратиш вазифаси топширилсин.

2. Вилоят ҳокимлиги Ишлар бошқарувчиси (А.Абдувахобов) ажратилган маблағлардан мақсадли фойдалансин.

3. Вилоят Ғазначилик бошқармаси (З.Маллаев) харидларнинг Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни талабларига риоя қилган ҳолда амалга оширилиши устидан қатъий назорат ўрнатсин.

4. Давлат молиявий назорати вилоят бошқармаси (И.Собиров)

ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши устидан назорат ўрнатсин.

5. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш, Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси ҳамда вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Мустанов зиммасига юклатилсин.

**Вилоят ҳокими**



**Э.Салиев**